



ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ УЧУН ЕТУК КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ТАРИХИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Рустам Ахунджанович Бегматов

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти

Маколада тўқимачилик саноати учун кадрларни тайёрлашда талабаларнинг тарихий тафаккурини ривожлантиришнинг аҳамияти, дарс самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омиллари ва талаба фаоллигини ошириш масалалари қисқача баён қилинган.

В статье кратко описаны важность развития исторического мышления учащихся при подготовке кадров для текстильной промышленности, важные факторы обеспечения эффективности урока, вопросы повышения активности студентов.

The article briefly describes the importance of developing students' historical thinking in the training of personnel for the textile industry, the important factors of ensuring the effectiveness of the lesson, and the issues of increasing student activity.

Таянч сўз ва тушунчалар: таълим соҳасида ислоҳатлар, тарихий тафаккур, миллий гуруҳ, ватанпарварлик, миллий ифтихор, ўзлигини англаш, маънавий кадрларимизни эъзозлаш, миллат, эл-юрт тақдири учун куйиниш, креативлик.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида таълим соҳасида туб ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни 2020 йил 23 сентябрь куни қабул қилинган бўлиб, унинг мақсади таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Мазкур Қонунга асосан таълим соҳасидаги асосий принциплар, таълим тизими, турлари ва шакллари аниқ белгилаб қўйилди, унда белгиланган масофавий таълим ҳақидаги қоидалар ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда интернетдан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олишга қаратилган.

Қонунда дуал таълимга оид қоидалар белгиланиб, у таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни олишга қаратилган бўлиб, уларнинг назарий қисми таълим ташкилоти негизида, амалий қисми эса таълим олувчининг иш жойида амалга оширилади. Бундан ташқари, қонунга инклюзив таълим тўғрисидаги қоидалар киритилиб, унга биноан, инклюзив таълим алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда барча таълим олувчилар учун таълим ташкилотларида таълим олишга бўлган тенг имкониятларни таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий



соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси мазкур соҳадаги янги ислохотлар учун пойдевор вазифасини бажариб бермоқда.. Ушбу ҳужжатга интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш сингари вазифалар асос қилиб олинди. Концепция мазмуни мамлакатимиз олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини акс эттиради. Унда олий ўқув юртларида қамров даражасини кенгайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб олиш, инновацион тузилмаларни шакллантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш, халқаро эътирофга эришиш ҳамда бошқа кўплаб аниқ йўналишлар белгилаб берилган.[3] Буларнинг барчаси таълим жараёнини сифат босқичига кўтариш учун хизмат қилади

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллик тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Президентининг: «Халқмизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш - Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда», - деган сўзи янгради. Дарҳақиқат макур ҳолатни бугунги кунда мамлакатимизда, шиддат билан ривожланаётган ҳаётимизда руй бераётган юксалиш жараёнлари ўзини барча соҳаларда намоён этмоқда. Бинобарин, “мустақилликка эришган йилларимизнинг илк даврида биз ўзимизнинг миллий ўзлгимизни англаш, бой тарихий-маънавий ҳамда илмий меросимизнинг асл мазмун-моҳияти мағини чақиш ва уни руёбга чиқаришга интилган бўлсак, эндиликда халқимиз жипсланиб "Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари" ғоясини собит қадамлик билан амалга оширишга киришди”.[2] Бу даврда жамиятимизда ижтимоий тафаккурнинг юксалиш тенденцияси қарор топиши, унга хос ҳам миллий, ҳам умуминсоний кадриятларнинг мужассамлиги эътироф этилмоқда. Миллий рух ва умуминсоний кадриятлар уйғун бўлган ижтимоий тафаккур - мамлакатимиз барқарор ривожланишининг мезони ва мустаҳкам пойдеворига айланмоқда. "Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак. Тарихга назар солсак, Буюк ипак йулининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўрамиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир кулёмалар, турли осори атикалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизлардан далолат беради"[1],- дейди Шавкат Мирзиёев Зеро, бугунги ҳаётни бугун илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётсиз тасаввур этиб бўлмайди Дунёнинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас. Бу каби ҳаётий



хақиқатни англаган халкимиз Президент Шавкат Мирзиёевнинг бевосита раҳнамолиги ва ташаббуси билан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни Янги Ўзбекистон тараққиётининг бош асоси деб билмоқда. Негаки, мамлакатнинг келгуси равнаки айнан шу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир. Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: "Буларнинг барчасидан ягона мақсадимиз - мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни Учинчи Ренессанснинг тўрт узвий халқасига, боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса Янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устунига айлантиришдан иборат".

Ёшларда тарихий тафаккурни шакллантириш уларни мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш ўз фикрини етказиб бериш, ташкилотчилик қобилияти ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Чунки тарихий тафаккурга эга ёшлар жамиятнинг эртанги кунини белгиловчи кучга эга, юртимизнинг барқарор ривожланиши, ватан озодлиги ва ободлигини таъминлашга хизмат қилиб, халқнинг эртанги кун тақдирини ҳал қилади. Тарихий тафаккури шаклланган, мустақил фикрига эга ёшларимиз ситёсий жиҳатдан етук ёшлар жамият тараққиётининг гаровидир Шахснинг соғлом ўсиб улғайиши, унинг интеллектуал ривожланиши, жисмонан соғлом, маънавий етук, ҳар тамонлама камол топиши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши ва самарали фаолият олиб боришида тарихий тафаккурнинг шаклланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Тарихий тафаккурнинг шаклланганлиги ёшларда эртанги кунга ишонч билан қарашга ва фақат олдинга интилиб яшашга ундайди. Тарихий тафаккур аввало талаба- ёшларнингларнинг дунёқараши, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, фуқаролик позициясида намоён бўлади. тарихий жараёни энг аввало, алоҳида шахс ва жамият тақдирини сифатида тасаввур қилиш лозим. "Бугун ёшлар тафаккурида тарихий хотира ва тарихий тафаккурни шакллантиришнинг ўрни куйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, тарихий тафаккур ёшларда тарихий хотирани тикланишига, миллий ғурур, миллий руҳни кучайтиришга ёрдам беради;

Иккинчидан, тарихий тафаккур ёшларнинг ўзлигини англаш, маънавий кадрларимизни эъзозлаш, миллий тикланишни амалга оширишга хизмат қилади;

Учинчидан, тарихий тафаккур мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни амалга оширишда, ёшларнинг кенг сафарбарлиги ва иштирокининг таъминланишига ёрдам беради;

Туртинчидан, тарихий тафаккур тарихга фалсафий муносабат, ёндашув шаклланишига, бу эса тарихий ходисаларни теран таҳлил қилиш, ривожланиш қонуниятларини теран англаш ва шундан келиб чиқиб воқеа ходисалар мантикий ҳосиласини кўра билиш ва тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эга ҳулосаларни чиқариш имконини беради".[4]

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда тарихий тафаккур файласуф ва социологлар томонидан ҳам фаол ўрганилмоқда. Тарихий ўтмишнинг социологик таҳлили,



биринчи навбатда, унинг фаолият кўрсатиш жараёнлари ва ривожланиш боскичларини аниқ ўрганишга қаратилган. Социологик таҳлил омманинг, турли ижтимоий гуруҳлар ва корпорацияларнинг тарихий тафаккурининг реал даражасини, унинг одамларнинг жамоат тафаккури ва амалий фаолиятига дахлдорлигини аниқлаш имконини беради. Социологик таҳлилнинг асосий мақсади жамият таракқиётининг муайян давридаги тарихий тафаккур ҳолатини баҳолашдан иборат. Шунга кўра, Г.Т. Журавлев, Б.И. Меркушин, Ю.К. Фомичев "Тарихий тафаккур: социологик тадқиқотлар тажрибаси" мақоласида унинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиб, куйидаги таърифни беради: "... мураккаб ва кўп қиррали маънавий шаклланиш бўлган ҳолда тарихий тафаккур билимлар, қарашлар, инъикослар, ғоялар тизимини ўз ичига олади. , ҳис-туйғулар, анъаналар, маросимлар, бадиий образлар, ғоялар, назариялар, тушунчалар, уларда шахслар, ижтимоий гуруҳлар, синфлар, халклар ва миллатлар, инсоният ўтмишдан хабардор бўлиб, уларнинг ҳаракатини макон ва замонда такрорлайди ва барқарорлик ҳолатини акс эттиради. ижтимоий таракқиётнинг ўзгарувчанлиги ва шу орқали замонлар ва авлодлар боғққнишига, ижтимоий таракқиётнинг узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади"[5].

Таълим тизими олдида тургани каби тарих дарсига куйиладиган замонавий талабларнинг ошиши, дарс турларининг ранг-баранглиги, тарихий манбаларга эътиборнинг кучайиши, замонавий педагогик ҳамда ахборот-коммуникация технологияларининг кундалик эҳтиёжга айланиши бугунги таълимнинг асл манзарасидир. Колаверса, таълим самарадорлигига булган эътиборнинг заруратга айланиши жараёнида "Ўзбекистон тарихи"ни чуқур ўрганиш, ёшларни ўтмишимизнинг бой маданий ва маънавий мероси, жаҳон илмий та-факкури ва маданиятига қўшган ҳиссаси билан таништириш, маданиятимизнинг беназир алломалари номларини ҳурмат билан тилга олиш, улар билан фахрланиш, миллий ифтихор руҳини сингдиришга ёрдам беради..

Замонавий шароитда педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши тақозо этади. Бироқ, ўқув йилининг охирига келиб олий таълим муассасаларида талабаларнинг фанларни ўзлаштиришларида юқори даражадаги ижобий натижалар кузатилмаяпти. Кўплаб талабаларнинг таълим олишга нисбатан қизиқиши йўқолган. Бунинг сабаби, балки дарсларнинг аввалдан ўйлаб, режалаштирилиб қўйилиши талабалар учун қизиқ бўлмаётгандир, балки таълим мазмунининг муайян қолипга солинганлиги талабалар учун ҳеч қандай рағбат бермаётгандир. Ўқув машғулотларининг аввалдан режалаштирилишидан воз кечиш, талабаларда танқидий, креатив тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш, уларни ижодий фикрлаш, янги ғояларни ўйлаб топишга мажбур қилиш таълим олишга бўлган муносабатни ўзгартириш, уларни ютуқларга эришишга рағбатлантиришда асосий омил бўлади.

Тарихга назар соладиган булсак, қанчадан-қанча буюк шахслар етишиб чиккан, уларни буюк қилган, тарихда номини қолдирган нарса ҳам айнан миллий ғурур, миллий ифтихор, миллат, эл-юрт такдири учун куйиниш, халкнинг эртанги кун такдиридан кайғуриб яшаш, бунинг учун бор куч--ғайратини ишга солиб, ор-номус,



виждон, адолат, меҳнатсеварлик, яратувчанлик каби мақсадлар билан яшаганлигидир. Ана шу сифатларга эга бўлган авлод тарихий тафаккур эгасидир. Тарихий тафаккур ривожланган талаба ҳамиша ўз карашларини ижобий асослайди, тўғри хулоса чиқаради.. Шунинг учун ёш кадрларни тарбиялашда тарихий тафаккури шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Таълим жараёнида эса тарих фанини ўқитиш, унда миллий асосга таяниш, халқимизнинг маърифатпарварлик, бағрикенглик, меҳмондўстлик каби анъаналари, андишалilik, иймон-инсоф, меҳр-окибат, ор-номус каби фазилатларини чуқур ўрганиш ва уларни ёшлар қалбига сингдириш асосий вазифа сифатида белгилаб берилган.

Ватанимиз тарихини ҳақоний, холисона ва чуқур ўрганиб, унинг моҳиятини англаш талабаларга аждодларнинг тарихий анъаналарига оид манбалари, уларнинг тарихан таркиб топгалигини тушуниб олишларига яқиндан кўмак беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Тошкент.: Ўзбекистон. 2021. – 150 б.
2. Мирзиёев, Ш.М. Миллий тараккиёт йулимизни катъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Тошкент., Ўзбекистон. 2017. 592 б
3. "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси". Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сон Фармони
4. Эрназарова Г.О., Исроилов Қ.Т. Бўлғуси тарих ўқитувчиларида креативликни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари/ *Academic research in educational sciences (ARES)*, ISSN 2181-1385, volume 2, issue 4, april 2021, p.1613-1619.
5. Темирова Н.Э. Ёшлар онгида тарихий хотира ва тарихий тафаккурни шакллантириш/ «XXI аср -интеллектуал ёшлар асри» Республика илмий ва илмий-техник анжуман материаллари (2018 йил 30 март)